



EOC
EUROASIAN
ONLINE
CONFERENCES

SPAIN CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON
SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND
INNOVATION**



Google Scholar

zenodo

OpenAIRE

doi digital object
identifier

eoconf.com - from 2024



INTERNATIONAL CONFERENCE ON SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION: a collection scientific works of the International scientific conference – Madrid, Spain, 2026, Issue 2.

Languages of publication: Uzbek, English, Russian, German, Italian, Spanish,

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference «**INTERNATIONAL CONFERENCE ON SUPPORT OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION**». Which took place in Spain, 2026.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.



**Мактабгача таълим жараёнида психолог этикасига қўйиладиган
талаблар****А.Б.Қодирова**

ТерДУ Психология кафедраси доценти, психология фанлари доктори(DSc)

Боборахматова М. - 2-курс талабаси

Аннотация. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган психологлар шу муассасанинг таълим –тарбия жараёнини муваффақиятли амалга оширишда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Психолог этикаси асосида яхшилик категорияларни ифодаловчи ахлоқий нормалар ётади. Психолог кўпинча ўз сезгилари ва ҳиссиётларига таянган ҳолда фаолият кўрсатишга ва хулосалар чиқаришга мажбур бўлади.

Annotation. Psychologists working in pre-school educational institutions occupy one of the decisive positions in the successful implementation of the educational process of this institution. At the basis of the psychologist's ethics are the moral norms representing the categories of goodness. A psychologist is often forced to act and draw conclusions based on his intuition and feelings.

Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларни комил инсон қилиб тарбиялашда психологларнинг ўзига хос ўрни сезилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган психологлар шу муассасанинг таълим –тарбия жараёнини муваффақиятли амалга оширишда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўз фаолиятларини юқори даражада ташкил этиш учун эса психологлар нафақат назарий билимларга эга бўлишлари, шу билан бир вақтда муайян амалий кўникма ва малакаларни ҳам эгаллашлари талаб қилинади. Чунки психологик хизмат тизимида психологлар инсонларга амалий ёрдам кўрсатишлари учун психопрофилактик, психодиагностик, психокоррекцион, психологик маслаҳат ишларини бажаришлари зарур. Шу билан биргаликда психологлар олиб борган ҳар бир ишларини қоғозга тушириб боришлари лозим.

Психолог этикаси деб, шундай хатти-ҳаракатлар йиғиндисига айтиладики, унинг асосида инсоннинг у ёки бу мулоқот жараёнидаги фаолият ва муносабати белгилаб берилади. Психолог этикаси асосида яхшилик категорияларни ифодаловчи ахлоқий нормалар ётади. Бу нормалар инсоният маданияти ва тарихий тараққиёт жараёнида яратилган умумбашарий тамойиллар бўлиб, уларга бўйсунтириш инсонларга эзгулик, фойда келтириш, бахт-иқбол йўлида хизмат қилиш демакдир. Уларга қарама-қарши равишда ёмонлик томонлари турадики, улар инсонларга бахтсизлик, зарар келтиради.

Демак, психолог этикаси ҳуқуқ нормаларига эмас, балки ахлоқ нормаларига асосланади. Бу шуни билдирадики, ушбу этикага риоя қилмаган ёки уни бузган киши қонун асосида жавобгарликка тортилмайди, судланмайди ҳамда жазоланиши ҳам мумкин эмас. Бундан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий кодекс, ҳуқуқ нормаларига таянади.

Психолог ҳаётда шундай муаммоларга дуч келиши мумкинки, улар қонун томонидан белгиланган аниқ ҳуқуқий ечимга эга бўлмаслиги ва ана

шундай шароитларда психолог ҳатти-ҳаракатлари белгилаб берилмаган бўлиши мумкин.

Психолог кўпинча ўз сезгилари ва ҳиссиётларига таянган ҳолда фаолият кўрсатишга ва хулосалар чиқаришга мажбур бўлади. Юридик амалиётда рухсат этилмайдиган айнан ана шу сезги ва ҳиссиётлар психологга энг тўғри хулосалар чиқаришга ёрдам беради ёки ўз вақтидан илгари ва келажақда хато бўлиши мумкин бўлган хулосалар чиқаришдан сақлайди.

Психолог этикаси бир қанча илмий манбаларга таянади. Булар: фалсафа, дин, маданият, қадриятлар, анъаналар, мафкура ва сиёсат бўлиб, улар инсон фаолиятини аниқловчи воситалар ҳисобланади ва ахлоқий кодекснинг яратилиши, ишлаб туриши учун асос ҳисобланади.

Масалан, фалсафада махсус “Этика” (ахлоқ) деб номланувчи бўлим мавжуд бўлиб, унда ахлоқнинг илмий таърифидан келиб чиққан ҳолда асосий маънавий категорияларнинг инсоният маданий тараққиёти давомида ўзгариб бориш қонуниятлари ўрганилади.

Психолог мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Психолог фақатгина ўзи эгаллаган маълумоти ва мутахассислиги бўйича хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.
- Психолог психодиагностик ва психокоррекцион методикаларни бошқа шахсларга фойдаланишга беришга ҳаққи йўқ.
- Ўсмир ёки катта ёшдаги болалар психолог хизматидан яқка фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- Бола истаса, психолог текширув жараёнининг катталар иштирокида ўтказилишига қаршилик кўрсатмаслиги керак (қонун томонидан белгиланган тиббий-психологик экспертизалардан ташқари).
- Ўсмир ёки катта мактаб ёшдаги болаларнинг индивидуал текширувлари натижаларини учинчи шахсга фақат боланинг ўзи рози бўлсагина, маълум қилиш мумкин. Бунда бола ўзи тўғрисида қандай маълумотлар кимга айтилаётганини ёки маълум бўлаётганлигини билмоғи шарт.
- Ўқитувчилар, ота-оналар ва улар вазифасини бажарувчи шахсларга текширилувчи ҳақида унга қарши ишлатиш мумкин бўлмаган маълумотларини бериши мумкин.
- Психолог ўзини ноқонуний ишлар ва фаолиятларга аралашиб қолишдан сақлаши лозим.
- Психолог бажара олмайдиган ваъдаларни мижозларга бермаслиги керак.
- Агар болани текшириш ёки психологик аралашув таълим органлари вакили, шифокор, ҳакам ва бошқа шу каби шахслар талабига асосан бажарилаётган бўлса, психолог бу ҳақда боланинг ота-онасини ёки улар вазифасини бажарувчи шахсларни хабардор қилиши шарт.
- Ишга қабул қилинаётган психолог қуйидагилар ҳақида раҳбариятга маълум қилиб қўйиши керак: ўз касбий даражаси доирасида мустақил,

хеч кимга бўйсунмаган ҳолда фаолият кўрсатиши кераклиги; психологнинг ахлоқ кодекси ҳақида маълумотнома бериши; ўз касби билан боғлиқ барча шахсларни сир сақлаши ва касбий ахлоқ нормаларига риоя қилиш зарурияти; ўзининг касбий фаолиятига юқори психологик ташкилотлар томонидангина аралашиш мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши керак.

- Психолог этика нормаларини бузгудек бўлса, бундай ҳолда психолог мутахасислар томонидан муҳокама қилинади ва психологик таркибидаги юқори касаба уюшмалари томонидан кўриб чиқилади.

Психолог хизмат жараёнида инсонларнинг иш фаолиятига, психологик маслаҳатлар беришда психолог этикасига асосланиб иш юритса, ёш авлоднинг ҳар томонлама гармоник камол топишига тўлақонли ҳисса қўшган бўлади.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Қодирова, А. Б. (2024). МУТАФАККИРЛАРИМИЗ АСАРЛАРИДА МУОМАЛА МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. INTERNATIONAL SCIENCES, EDUCATION AND NEW LEARNING TECHNOLOGIES, 1(5), 19-24.
2. QODIROVA, A. (2024). SAYYID BURHONIDDIN MUHAQQIQ TERMIZIY IJODI VA FAOLIYATI. News of UzMU journal, 1(1.3. 1), 155-158.
3. Kadirova, A. B. (2024). EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF TERMIZI'S PSYCHOLOGICAL THOUGHTS. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 24, 117-120.
4. Kadirova, A. B. (2024). EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF TERMIZI'S PSYCHOLOGICAL THOUGHTS. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 24, 117-120.
5. G'oziev E.G'. Sotsial psixologiya. - Toshkent., 2012.